

▶ 2-6eT

КЕЛГУСИ ЙИЛ ҲАР БИРИМИЗ УЧУН ЭНГ ЯХШИ ЙИЛЛАРДАН БИРИ БЎЛСИН!

Козим ТЎЛАГАНОВ,

Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги соҳасида назорат
инспекцияси раҳбари:

– 2023 йил биз учун ҳам кўплаб янгиликлар ва ўзгаришларга бой бўлди. Юртимиз тараққиёти йўлида меҳнат қилиб келаётган қурилиш-бунёдкорлик соҳасининг бир вакили сифатида айтишим мумкинки, олдимизга қўйилган мақсад ва режаларни масъулият билан амалга оширишга ҳаракат қилдик. Зеро, фаолиятимиз йўналишидан келиб чиқиб, жорий йилда ҳам мамлакатимизда қад ростлаётган турар жойлар, ижтимоий соҳа ва бошқа турдаги барча объектларда қатъий назорат ўрнатилиб, мониторинглар ўз вақтида олиб борилди.

Қурилиш объектларидаги жараён инспекторлар томонидан доимий равишда кузатиб борилиб, қурилиш жараёни иштирокичиларига тегишли кўрсатма ва тавсиялар берилди. Қўвонарлиси, бунинг натижасида халқимиз сифатли, шинам ва замонавий кўринишдаги биноларда яшаш ҳамда ишлаш имкониятига эга бўлмоқда.

Хусусан, 2023 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари томонидан Давлат дастурларига киритилган жами 30 575 та объектдаги қурилиш-монтаж ишлари назоратга олинган. Уларда 98 936 мартаба назорат ишлари амалга оширилди. Қурилиш объектларида



аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган 86 185 та ёзма кўрсатма берилиб, уларнинг 78 066 таси бартараф этилган. Бугунги кунда 30 098 та рўйхатдан ўтган объектдан 6 737 тасида қу-

рилиш-монтаж ишлари якунланиб, фойдаланишга топшириш бўйича Давлат қабул қилиш комиссиясининг далолатномалари расмийлаштирилди.

Бундан ташқари, жойлардаги ҳудудий

назорат инспекциялари томонидан қурилиш объектларининг конструктив ечимлари, техника хавфсизлиги, ШНҚ ва ҚМН талаблари, қурилиш жараёнларининг лойиҳа ҳужжатлари асосида олиб борилиши юзасидан, шунингдек, ноконуний қурилмаларни аниқлашга қаратилган назорат тадбирлари мунтазам равишда ўтказилмоқда. Жараёнда аниқланган қоидабузарлик ҳолатлари бўйича бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар берилиб, уларнинг ижросини таъминлашда сусткашликка йўл қўяётган бюрократчи, пудратчи ёки лойиҳа ташкилотлари вакилларига тегишли чоралар қўйилди.

Айтиш лозимки, бу борада соҳада “Қурилиш назорати” ахборот тизими жорий қилиниб, мониторинг жараёнларининг рақамлаштирилгани қурилишда сифат назоратини янги босқичга олиб чиқди, бюрократик тўсиқлар бартараф этилди. Бу ҳам ўз навбатида соҳани ривожлантириш ҳамда инспекторларга яратилган имкониятлардан бири десак, хато бўлмайди.

Юртимизга катта шодлик, халқимизга кўтаринки кайфият бағишлаб таширф буюратган янги 2024 йилга ҳам режаларимиз бисёр. Келгуси йилда ҳам уларни амалга ошириш орқали юртимиз бунёдкорлиги тараққиётига муносиб ҳисса қўишда давом этамиз. Бу йўлда жавлон уриб меҳнат қилаётган барча ҳамкасбларимни Янги йил билан табриклайман. Юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон бўлсин. Янги йилда барча эзгу ниятлар амалга ошсин!

Лазиз ҲАМИДОВ,

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой комунал
хўжалиги бошқармаси бошлиғи.



Уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган оилаларни давлат томонидан манзилли кўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПФ-32-сонли ҳамда 2023 йил 13 апрелдаги ПФ-51-сонли Фармонлари асосида жойларда уй-жойлар қурилиши режалаштирилган ва уларнинг ижроси юзасидан вилоят ҳокимлиги томонидан қурилиш режалаштирилган массивларнинг параметрлари тасдиқланган эди.

Унга кўра, Самарқанд вилоятида 203 та 10843 хонадонли уй-жой қуриш режалаштирилган бўлиб, шундан, “Янги Ўзбекистон” массивларида, хусусан, Булунгур тумани “Ўбдин” массивида 34 та, Ургут тумани “Мерганча” массивида 35 та кўп хонадонли уй-жойлар ҳамда уй-жойга талаб юқори бўлган бошқа ҳудудларда 134 та турар жойлар қурилиши кўзда тутилган. Мана шу ҳудудларда йил мобайнида бунёдкорлик ишларини олиб бордик. Мустаҳкам ва кўркам уйлари барпо этишга қурувчиларимиз бор имкониятларини ишга солишди. Натижада вилоят бўйича 152 та 8674 хонадонли уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қолган массивларда ҳам айти пайтда қурилиш-монтаж ишлари якунланиб, сўнгги пардозлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Айтиш мумкинки, самарқандлик қурувчилар Янги йилни ёрғун юз билан қарши олмақда. Шу муносабат билан барча юртдошларимиз, хусусан, қурилиш соҳасининг меҳнаткаш вакилларини янги йил билан кутлаймиз. Уларга соғлиқ-омонлик, тинчлик-хотиржамлик тилаймиз!

Нодир ЖУМАЕВ,

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг
Саноат, қурилиш ва савдо масалалари
қўмитаси раиси.



– 2023 йил қурилиш соҳасида анча салмоқли йил бўлди, десак адашмаган бўламиз. Йил давомида бир-биридан йирик лойиҳалар амалга оширилиб, дастурлар бўйича катта ҳажмдаги ишлар олиб борилди.

Президентимиз ташаббуси билан барча соҳаларда бўлгани каби қурилиш соҳасида ҳам рақамлаштириш жараёнига жиддий уруғ берилди. Коррупцион ҳаракатларни қамайтириш, адолатли тизим қуриш йўлида янги тизим ишга туширилганидан хабарингиз бор. Хусусан, “Шаффоф қурилиш” тизими орқали 27 мингдан ортиқ объект лойиҳаси экспортга ўтказилди. Натижада 4,5 трлн сўм маблағ лойиҳаларнинг смета қисмидан иқтисод қилинди. Инсон омили натижасида юзага келадиган қонуни айланиб ўтиш ҳолатлари сезиларли даражада қамайлгани ҳам асосий ютуқларимиздан бири.

“Шаффоф қурилиш” порталининг tender.mc.uz электрон платформаси орқали 28,2 мингта объектга лойиҳа ва пудрат ташкилотларини аниқлаш бўйича ўтказилган онлайн электрон тендер савдолари натижасида 1,8 трлн сўм маблағ тежаб қолинди. Қурилиш соҳасида Давлат назорати автоматлаштирилиб, “Қурилиш назорати” ахборот тизими орқали 35 мингдан ортиқ объект назоратга олинди ва 93 мингдан зиёд мониторинг ўтказилганини ҳам алоҳида қайд этиш лозим. Қурилиш нормаларини бузган мутасадди ташкилотларга 72 мингдан ортиқ таъсирчан чоралар қўрилди. Республика бўйича жами қурилиш ишлари ҳажми 2023 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра 119,6 трлн сўм бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 106,2 фоизни ташкил этди. Бу эса, қурилиш ишлари ҳажми миқдори ўтган йилга нисбатан 15,3 трлн сўмга кўпайганлигини билдиради. Ҳисобот даврида 25 минг хонадонли 642 та уй-жой фойдаланишга топширилди. 1 минг 370 та кўп қаватли уйларда қурилиш ишлари давом этмоқда. Инвестиция дастурлари доирасида эса 14 та иссиқлик таъминоти объекти бўйича 114,8 млрд сўм, Андижон, Чирчиқ, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида марказлашган иссиқлик таъминоти тизимини реконструкция қилиш лойиҳаси бўйича Жаҳон банкининг 52,8 млн доллар маблағлари ўзлаштирилди.

Умуман олганда, соҳага катта инвесторлар кириб келаётгани ва катта лойиҳалар сони ортаётгани халқимиз фаровонлиги йўлида муҳим аҳамият касб этади. Халқимиз турмушини яхшилаш, аҳолининг ҳаётидан мамнун яшашлари давлатимиз раҳбарининг олдимизга қўйган асосий вазифасидир. Уйлайманки, келгуси йилдаги натижаларимиз бу йилгидан ҳам юқори бўлади. Бунинг учун барча имкониятларимизни ишга солишга тайёرمىз. Ишонтириб айтаманки, келгуси йилда халқимиз хурсандчилигига сабаб бўладиган катта бунёдкорлик ишлари кутиб турибди.

Шу фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни кириб келаётган Янги йил билан самимий кутлайман. Янги Ўзбекистонни қуриш йўлида юрт меъморларига куч-қувват ва соғлиқ, оилавий бахт ҳамроҳ бўлсин!

Бегзод РАҲИМОВ,

Фарғона вилояти бош архитектори.

– Азалдан бунёдкор халқнинг ворислари сифатида бугунги кунда ҳам шаҳару қишлоқларимизнинг замонавий архитектурасини ривожлантириш мақсадида қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириб келмоқдамиз. Бу жараёнга фарғоналик бунёдкорлар, меъмор муҳандислар ҳам ўз меҳнати билан ҳисса қўшиб келяпти. Шу фурсатдан фойдаланиб, мен ҳам юртимиздаги қурилиш соҳаси ходимларига муваффақият тилайман. Эл қорига ярашдан, уларга қўлай шароит яратишдан, асло, чарчашмасин.

Якунланиб бораётган 2023 йилда Фарғона вилояти қурилиш соҳасида ҳам жадал ўсиш суръати кузатилди. Янги барпо этилган объектларимиз сони бир неча қарага ошганини ҳам қайд этиб ўтишимиз керак. Уйлайманки, бу ҳали бошланиши, улкан мақсадлар ҳали олдинда. Барчамиз сидқидилдан ҳаракат қилсак, халқимиз бой, ҳаётимиз янада фаровон бўлади.

Фарғона вилоятида ҳам бугун кенг кўламда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларида замонавий технологиялар ва услублардан, шаҳарсозлик нормалари ҳамда меъёрларидан унумли фойдаланилмоқда. Хусусан, Фарғона шаҳрида барпо этилаётган Экошаҳар қурилиши ҳар бир фарғоналик қалбида фарз туйғусини уйғотиши шубҳасиз. Ҳозирда фарғоналик бунёдкорлар 300 гектар майдонда 40 минг аҳолига мўлжалланган йўлдош шаҳарчани бунёд этиш ишларини жадаллик билан амалга оширмоқда. Экошаҳарда



73 та кўп қаватли уйлар, 3 та мактабгача таълим муассасаси, 2 та мактаб, битта шифохона, 4000 ўринли амфитеатр қурилиши давом этмоқда.

Келгуси 2024 йилда ҳам олдимизга улкан мақсадларни қўйганмиз. Халқимизнинг турмушидан рози, ҳаётидан мамнун, бахтли ва фаровон яшаши учун қўлимиздан келган барча ишни қиламиз. Янги йил барчамиз учун кут-барака, бахт-омад олиб келсин, бунёдкорларимиз бир-биридан гўзал манзилларни барпо этишдан толмасин. Юртимиз тинч, хонадонларимиз обод бўлсин!

Нозимжон ТҶИЧИБОВ,

Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти
ректори:



– Ҳар биримиз йил сўнггида сарҳисоб қилиш пайига тушамиз. “Бу йилда қандай ютуқларга эришдик? қайси мақсадларимиз амалга ошмай қолди?” деган савол ҳар биримизни уйлантирса, ажаб эмас. Айниқса, таълим соҳасида йил сарҳисоби муҳим ўрин тутди. Чунки бизга юрт тараққиётини яратувчи ёшларнинг таълим-тарбиясидек масъулиятли вазифа топширилган. Хусусан, бизнинг Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институтимизнинг асосий вазифаларидан бири иқтисодиёт ва қурилиш соҳаси бўйича амалий кўникмаларга эга бўлган, рақобатбардош олий маълумотли мутахассислар ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдан иборат.

Таъкидлаш керакки, кейинги йилларда юртимизда кўплаб уй-жойлар, таълим муассасалари, шифохоналар, йирик заводлар, йўллар ва кўприклар қурилмоқда. Соҳа учун зарур ашёларни ўзимизда ишлаб чиқарилиши натижасида қурилиш жараёни маҳаллий маҳсулотлар билан таъминланяпти. Қурилиш салмоғи ортгани сайин уни амалга оширувчи кадрларга бўлган эҳтиёж ҳам ошиши табиий. Чунки бунёдкорлик ишларининг сифатли ва пухта бажарилиши бевосита кадрлар салоҳияти ва билимига боғлиқ.

Бугун қурилиш соҳасини ислоҳ қилиш бўйича Президентнинг 22 та ҳужжати ва ҳукуматнинг 21 та қарори қабул қилинган диққатга сазовордир. Бундан ташқари, Шаҳарсозлик кодекси янги таҳрирда қабул қилинган ҳам бу борада катта ютуқлардан бири бўлди. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 27 ноябрдаги фармони билан Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди. Умуман олганда, бугун мамлакатимизда қурилиш соҳасида янги авлод шаклланиб, соҳага замонавий услублар жорий этилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, 2023 йил институтимиз учун ҳам омадли йиллардан бири бўлди. Бу йилда ўқитувчи ва талабаларимиз кўплаб илмий ишларни амалга оширишди, тадқиқотлар қилишди. Турли танловларда ғолиб бўлиб, юртимиз равақи учун муносиб ҳисса қўишди. Хусусан, Венгрия, Туркия, Ҳиндистон, Азәрбайжон, Португалия, Россия давлатларининг нуфузли университетлари билан меморандумлар имзолаб, халқаро алоқалар ўрнатдик. Шунингдек, талабаларимиз Президент, Ислон Каримов, Беруний номли давлат стипендияларига сазовор бўлишди.

Яқинлашиб келаётган 2024 йилда ҳам олдимизга қўйган бир қатор мақсад ва режаларимиз бор. Келгуси йилда ҳам уларни амалга ошириш учун астойдил меҳнат қилишда, изланишда давом этамиз. Кириб келаётган Янги – 2024 йил барча соҳа учун омадли келсин, янги йил яхши йиллардан бири сифатида ҳар бир инсон ҳаётига фақат эзгуликлар олиб келсин.

Зокир НОРМАТОВ,

Оққўрғон тумани ҳокимининг саноатни
ривожлантириш, қурилиш, коммуникациялар ва
коммунал хўжалиги бўйича ўринбосари.



– Иккинчи йилдирки, республикамызда “Оққўрғон тажрибаси” кенг қўлланилмоқда. Аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилаш ва ижтимоий масалаларни қарор топтиришга қаратилган ана шу ҳаракатнинг шаклланишида туманимиз қурувчиларининг меҳнатини алоҳида таъкидлаш лозим. Улар бошлаган ташаббус натижасида қишлоқлар обод манзилларга айланди, ички кўчалар асфальтланиб, ичимлик сув тармоқлари хонадонларга кириб борди.

Хусусан, 2023 йилда туманимиз бунёдкорларининг асосий мақсади – фарзандларимизнинг яхши билим олиши учун уларга етарли шароитлар яратиб беришга қаратилди. Шу ниятда режага киритилган бешта мактаб, тўртта болалар боғчасида қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди. Уларга ажратилган маблағ тўғри йўналтирилгани ҳамда бунёдкорларнинг меҳнати туфайли олти ойда барча ишлар сифатли тарзда амалга оширилди. Ҳозирги кунда ҳам бу борадаги ишлар сусайгани йўқ; иккита мактаб ва битта мактабгача таълим ташкилотини қуриб битказиш бўйича ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда.

Шунингдек, жорий йилда бу ишлар қаторида ҳудуд аҳолининг маданий дам олиши учун туман марказида истироҳат боғи, кенг тармоқли кутубхона ҳам қайтадан таъмирланди. Аҳолига қўлайлик яратиш учун иккита банк филиали қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қолаверса, савдо тармоқлари кенгайиб, техникаларга хизмат кўрсатувчи сервислар ҳам барпо этилди. Туманимиз ҳудудларидаги 20 дан ортиқ кўп қаватли турар жойда таъмирлаш ишлари олиб борилиб, уларнинг ён-атрофи ободонлаштирилди. Уйларнинг ертўралари тартибга келтирилиб, катталар ва болалар учун спорт майдончалари қуриб берилди. Туман марказидан олсида жойлашган учта маҳаллада яшовчилар учун кенг тармоқли поликлиника қуриб, фойдаланишга топширилди. Буларнинг ҳаммаси якунланаётган йил режасига киритилган эди.

Демак, кириб келаётган Янги йилни бунёдкорларимиз заҳматли меҳнатлари ҳисобига эришган ютуқлари билан кутиб олишмоқда. Олдинда эса ҳали ташаббуслар жуда кўп. Келгуси йилда ҳам бу эзгу ишларни давом эттиришда уларга улкан зафарлар тилаймиз!

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ҲУДУДЛАРГА ТАШРИФЛАРИ

2023 йил давомида Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз ҳудудларига қилган ташрифлари доирасида кўплаб соҳалар қаторида бунёдкорлик ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Давлат раҳбари бажарилган ишларни кўздан кечириб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича топшириқлар берди.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

Президент Шавкат Мирзиёев 2021 йил 17 июнь куни Андижон туманидаги адирликда Янги Андижон шаҳарчаси қурилишига пойдевор қўйган эди. Бугунги кунда кўп қаватли уйлар, мактаб ва боғчалар қад кўтармоқда. Жорий йилнинг 1 февраль куни бу ерда қайта тикланувчи энергия манбаларини омалаштириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш чоралари бўйича йиғилиш ўтказилди. Давлатимиз раҳбари йирик корхоналарда ҳам қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш, умуман, уларни электр билан ўзини ўзи таъминлашга ўтказиш кераклигини таъкидлади. Ижтимоий объектларда қуёш энергиясидан фойдаланиш учун алоҳида компания ташкил этилади. Унга 200 миллион доллар маблағ берилади. Компания қуёш панеллари ва сув иситиш қурилмаларини ўзи ўрнатади ҳамда бюджет корхонасига “яшил энергия” сотади. Шунингдек, ижтимоий объектлардаги 3 мингта эскирган қозонларни замонавий ускунага алмаштириш зарурлиги қайд этилди.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Жорий йил бошида Президент Шавкат Мирзиёев Наманган шаҳридаги “Баркамол авлод” кичик саноат ва тадбиркорлик зонасида бўлди. Наманган вилоятда технопарк ва кичик саноат зоналари сони 73 тага етган. Давлат раҳбари бу ердаги “Мастер класс дизайн”, “Сифат ёғоч саноат”, “Баланс текс” корхоналаридаги иш жараёнини кўздан кечирди. Саноат зонасидаги бошқа лойиҳаларда ускуналар ўрнатилмоқда. Умуман, бу ерда тайёр кийим-кечак, чарм-пойабзал, қурилиш материаллари, мебель, қоғоз, озиқ-овқат ва кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Шавкат Мирзиёев 8 февраль куни Тошкент метрополитенидаги бунёдкорлик ишлари билан танишганди. Транспорт соҳасида улкан лойиҳаларни амалга ошириш изчил давом эттирилиб, Қўйлиқдан Серелигача бўлган метрополитен барпо этилаётган эди. Қарийб 12 километрлик бу қисмда 7 та бекат бўлади. Айни кунларда унинг Қурувчилар даҳасигача борган 5 та бекати қуриб битказилди. Давлат раҳбари ушбу транспорт иншоотини бориб кўрди. Шунингдек, Президент 18 март куни Янги Тошкент шаҳри қурилишига тамал тоши қўйди. Бундан ташқари, Шавкат Мирзиёев 18 ноябрь куни Олимпия шаҳарчаси қурилиш билан ҳам танишди. Маълумки, 2025 йилда Ёшлар ўртасидаги Осиё ва Парасоёё ўйинлари юртимизда ўтказилади. Шу боис Олимпия шаҳарчасида мазкур мусобақалар дастурига киритилган барча спорт турлари учун шароит бўлади. Унинг майдони 100 гектар. Асосий иншоотлар – 10 минг ўринли стадион ва 2 мингдан томошабинга мўлжалланган велоспорт, сув спорти саройи, яккакурашлар ва жамонавий ўйинлар мажмуаларидир.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Давлат раҳбари жорий йил бошида “Жиззах” эркин иқтисодий зонасидаги корхоналар фаолияти билан танишди. Мазкур эркин иқтисодий зонасида 27 та лойиҳа амалга оширилиб, 5 минг 300 га яқин иш ўрни яратилган. Охириги йилларда унинг фаолияти такомиллаштирилиб, бизнесга қўлайлик кенгайтирилди. Ҳозир бу ерда кўп турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Улар қаторига 2022 йил октябрда “Irgoskon” қандалат корхонаси ҳам қўшилди. Корхонада Россия, Туркия, Германия ва Италия тажрибаси асосида “Deva” бренди билан экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Йиллик қуввати 12 минг тонна. 100 га яқин киши иш билан таъминланган. Келгуси йил иккинчи босқич учун Германия ва Туркиядан яна 5 миллион долларлик ускуналар олиб келиш режалаштирилган. Бунинг натижасида яна 550 нафар янги иш ўрни яратилади. Иқтисодий зонадаги яна бир корхона – “Master Building Products” масъулияти чекланган жамиятида йилга 3 миллион дон қував ва фитинг маҳсулоти, қурилиш материаллари тайёрланади. 600 га яқин иш ўрни яратилган. Давлатимиз раҳбари ушбу маҳсулотлар кўргазмаси билан танишди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Давлат раҳбари 30 март кунги ташрифи доирасида Кегейли туманида Қорақалпоғистон Республикасини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш масалалари муҳокамаси бўйича йиғилиш ўтказди. Тадбир аввалида 6 та янги корхонани ишга тушириш маросими бўлди. Беруний туманидаги “Беруний бугдой кластер” ҳамда “Райхон аппарат”, Қораўзақ туманидаги “Қорақалпоқ цемент” заводининг 3-босқичи, Қўнғирот туманидаги “ККРаси кемикал”, Нукус шаҳридаги “Азимут хотел”, Тўрткўл туманидаги “Хозагро” вакиллари видеоалоқа орқали мажмуалар салоҳияти ҳақида ахборот берди. Бундан ташқари, 9 та туманда мактабгача таълим муассасалари қуриш, мактаб ва шифохоналарни таъмирлашга, шу жумладан, иссиқлик таъминотида қўшимча маблағ ажратилиши белгиланди. Йўллари таъмирлаш, электр энергияси тақчиллиги чораларини қўриш бўйича ҳам кўрсатмалар берилди.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Шавкат Мирзиёев 31 март куни Хоразм вилоятидаги “Янгибозор текстил агрокластер” масъулияти чекланган жамиятининг тўқимачилик корхонаси фаолияти билан танишди. Қиймати 13 миллион сўмдан зиёд бўлган мазкур лойиҳа доирасида хориждан замонавий ускуналар келтириб ўрнатилган. Йилга 5 миллион донга тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қуввати яратилган. Товарларнинг 65 фоизини экспортга йўналтириш мўлжалланган. Бугунги кунда бу ерда 500 га яқин хотин-қизлар ишламоқда. Шунингдек, Хоразм вилоятидаги 6 та янги корхонани ишга тушириш маросими бўлди. Ушбу корхоналар вакиллари видеоалоқа орқали мажмуалар салоҳияти ҳақида ахборот берди. Президент Шавкат Мирзиёев рамзий тугмани босиб, ушбу янги корхоналарни ишга туширди.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Шавкат Мирзиёев 7 апрель куни Сирдарё вилоятига ташриф буюрган. Давлат раҳбари сўнгги олти йилда вилоятга 30 триллион сўм инвестиция жалб қилиниб, 6 минг 640 та янги корхона ишга туширилгани ва бу орқали 55 мингта доимий иш ўрни яратилганини таъкидлаган. Сирдарёда илгари бўлмаган қурилиш материаллари, фармацевтика, чарм ва озиқ-овқат саноати каби янги тармоқлар пайдо бўлди. Хусусан, қурилиш материалларида 274 та лойиҳа амалга оширилиб, бу тармоқ янги драйверга айланди. Вилоят саноатида бу соҳанинг улуши 7 фоиздан ошди. Шунингдек, Сирдарёда 500 миллион долларлик инвестиция ҳисобига Ўзбекистон-Хитой биотехнологиялар кластери барпо этилади. Ушбу кластер томонидан замонавий диагностика қурилмалари, инновацион вакциналар, пробиотиклар ва онкологик касалликлар учун дори воситалари ишлаб чиқарилади.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Президент Шавкат Мирзиёев ўтган йили Фарғона шаҳридаги “Янги Ўзбекистон” массиви қурилишини бориб кўрган эди. Вилоятга жорий йил 28 июль кунги ташрифи чоғида ишларнинг боришини яна бир бор кўздан кечирди. Фарғонада 300 гектари улкан майдонда жадал қурилиш кетмоқда. Бу ерда 65 мингдан зиёд аҳолига мўлжалланган 298 та кўп қаватли уй бунёд этилади. Аҳоли зич ашайдиган шаҳар ва вилоят учун бу муҳим ижтимоий аҳамиятга эга. Шу жумладан, бу йил массивда 73 та уй барпо этилмоқда. Уларнинг дастлабкилари фойдаланишга топширилган. Шунингдек, массив ўзига хос қошаҳар бўлади. Яъни, 70 гектар майдонда “Янги Ўзбекистон боғи” ва сунъий кўл барпо қилинади. Бўш майдонларга ҳам дарактлар экилади. Сунъий кўл атрофида сўлим хиёбон ташкил этилади.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Президент Шавкат Мирзиёев 2 август куни “Ангрен” эркин иқтисодий зонасидаги корхоналар фаолияти билан танишди. 2012 йилда ташкил этилган мазкур иқтисодий зона сўнгги йилларда ҳам ҳудуд ҳам салоҳият жиҳатидан кенгайди. У Ангрен шаҳри, Охангарон шаҳри ва тумани, Бекобод шаҳрининг бир қисмини қамраб олган. Бугун ушбу зонада 76 та корхона, уларда 11 мингдан зиёд аҳоли ишламоқда. Улардан бири – “Premier elektrotech” масъулияти чекланган жамиятининг 23 миллион долларлик лойиҳаси. Ўтган йили декабрда ишга тушган бу корхона йилга 100 минг донга кир ювиш машинаси ва 200 минг донга совутиг ишлаб чиқариш ҳамда 1 миллион долларлик экспорт қувватига эга. 350 киши иш билан таъминланган. Бу лойиҳанинг биринчи босқичи бўлиб, уни кенгайтириш учун қурилиш олиб борилаётганди. Иккинчи босқич шу йилнинг декабрида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган эди.

БУХОРО ВИЛОЯТИ

Бухоро шаҳрида 11 август куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини энергия ресурслари билан қўлатили таъминлаш вазифалари ҳам муҳокама қилинди. Ортимизда энергия ресурсларини тежаш тобора долзарб бўлиб бормоқда. Йил якунига қадар 3,7 миллиард киловатт соат электр ва 2,4 миллиард куб метр газни иқтисод қилиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Иккинчи ярим йилликда 30 миллиард куб метр газ қазиб олиш ҳамда ерости газ омборларида захирано камида 3,5 миллиард куб метрга етказиш, 41 миллиард киловатт соат электр ишлаб чиқариш вазифаси белгиланди. Вилоят мутасаддиларига электр тармоқлари ва трансформаторларни тўлиқ таъмирлаш, энергия ресурслари истеъмолида тартиб-интизомни кучайтириш бўйича топшириқлар берилди.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

24 август куни Президент Самарқанд туманида барпо этилаётган савдо, саноат ва сервис мажмуасининг қурилиш майдонида бўлганди. Унинг ҳудуди 37 гектарни ташкил этади. Бу ердаги 7 та лойиҳанинг умумий қиймати 2 триллион 79 миллиард сўм. Улардан биринчиси – автомобиллар эҳтиёт қисмлари бозори яқинда ишга туширилади. 11 гектарни эгаллаган савдо дўконларида 3 мингта иш ўрни яратилади. Шунингдек, газоблок, пенопласт, оҳак ва зичлагич ишлаб чиқариш корхоналари қурилиши ҳам кўздан кечирилди. Улар шу йил охирида фойдаланишга топширилиши режа қилинганди. Келгуси йилларда “Қўқсарой автомобил” савдо ва кўнгличор маркази, ойнага ишлов бериш, пластик ва алюмин ромлар корхонаси қуриб битказилиши режалаштирилган.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Шавкат Мирзиёев 24 октябрдаги ташрифи давомида вилоят “Иссиқлик манбаи” давлат унитар корхонасининг Қарши шаҳрида янгидан бунёд этилган марказий қозонхонасини бориб кўрди. Ушбу мажмуа 12 Гкал қувватга эга. Бу ерга Туркиядан келтирилган 14 МВтли учта қозон ўрнатилган. Бунинг эвазига йилга 1,7 миллион куб метр табиий газни иқтисод қилиш имконияти яратилган. Ушбу мажмуанинг фойдаланишга топширилиши 38 та кўп қаватли уйдаги бир ярим мингдан зиёд хонадон ҳамда учта ижтимоий объектни иссиқ сув ва иссиқлик билан таъминлайди.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

16 ноябрь куни Президент Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида бўлиб, “Мустақилликнинг 25 йиллиги” газ-кимё мажмуаси қурилиши билан танишганди. Бу ерда қони бир неча ўн йиллар олдин топилган. Бироқ географияси мураккаб бўлгани, ўша пайтда замонавий технология ва маблағ бўлмагани учун ҳеч ким ўзлаштиришга ботинолмаган. Шавкат Мирзиёевнинг қатъияти билан бу борада амалий қадамлар ташланди. Давлатимиз раҳбари 2019 йил апрель ойида бу ерда бўлиб, дастлабки қидирув ва техник-иқтисодий асослар билан танишган эди. Ўша йилнинг декабрида заводи қуриш ишлари бошланди. “Surhan Gas Chemical Operating Company” хорижий корхонаси томонидан амалга оширилаётган ушбу лойиҳанинг қиймати 2,9 миллиард доллар. Мажмуа йилга 5 миллиард метр куб газни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш қувватига эга бўлади. Ҳозиргача қони ўзлаштиришга 1 миллиард 450 миллион долларлик инвестиция киритилиб, 20 та қудуқда бургилаш ишлари якунланган. 11 та газ қудуғи синовдан муваффақиятли ўтган. Пойдевор ишлари ва металл конструкциялар қуриш қарийб якунланиб қолган.

2023 йил: Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги рақамларда

- Дастур доирасида **35** та шаҳарчанинг бош режалари, **49** та қишлоқ (овул) аҳоли пунктлари ҳудудларини шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш схемалари ва **1** та шаҳарнинг батафсил режалаштириш лойиҳаси ишлаб чиқилди.
- Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги “Қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” ги 200-сонли қарори асосида архитектура-қурилиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатиш бўйича жами **106,5** мингта ариза кўриб чиқилган ва **74,7** мингтасига тегишли хулосалар берилган.
- Қурилиш соҳасига оид **48** та техник-норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва эскилари янгиланди. **16** та қурилиш меъёрлари ва қоидалари қурилиш регламенти тоифасига ўтказилди. **11** та қурилиш регламентлари вазирлик ва идоралар билан келишишдан ўтказилиб, тасдиқлаш учун тайёрланмоқда.
- **10** та “Смета-ресурс нормалари” тўпламлари ишлаб чиқилди, **12** та шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларидаги иқтисодий меъёрий ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.
- Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида **47** та фаолият кодиға оид стандартлаштириш бўйича техник қўмита ташкил этилди.
- Комплекс синов лабораторияси қурилиш махсулотларининг **200** та синов кўрсаткичлари бўйича аккредитациядан ўтказилди.
- Замонавий архитектура, сейсмика ва энергия теҳнаикорлик талаблари асосида **9** та ижтимоий объектининг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди.
- Ҳар бир ҳудудда **5** тадан объектининг ҳужжатлари “BIM” технологиялари асосида моделлаштириш усулида ишлаб чиқилди.
- “Шаффоф қурилиш” тизими орқали **27** мингдан ортиқ объект лойиҳаси экспертизадан ўтказилди. Натижада, **4,5** трлн сўм маблағ лойиҳаларнинг смета қисмидан иқтисод қилинди.
- “Шаффоф қурилиш” порталининг tender.mc.uz электрон платформаси орқали **28,2** мингта объектга лойиҳа ва пудрат ташкилотларини аниқлаш бўйича ўтказилган онлайн электрон тендер савдолари натижасида **1,8** трлн сўм маблағ иқтисод қилинди.
- Қурилиш соҳасида Давлат назорати автоматлаштирилиб, “Қурилиш назорати” миллий ахборот тизими орқали **35** мингдан ортиқ объект назоратга олинди ва **93** мингдан зиёд мониторинг ўтказилди. Қурилиш нормаларини бузган мутасадди ташкилотларга **72** мингдан ортиқ чора кўрилди.
- Республика бўйича жами қурилиш ишлари ҳажми 2023 йил 1 ноябрь ҳолатига - **119,6** трлн сўм бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати - **106,2** фоизни ташкил этмоқда. Бу эса, ўтган йилга нисбатан **15,3** трлн сўмга кўпайганини билдиради.
- Шаҳарсозлик соҳаси бўйича **4** турдаги фаолиятни амалга ошириш учун тадбиркорлик субъектларига **949** та лицензия ва қурилиш лойиҳаларини экспертизадан ўтказувчи юридик шахсларни аккредитация қилиш бўйича **25** та гувоҳнома берилди.
- Ҳисобот даврида **25** минг хонадонли **642** та уй-жой фойдаланишга топширилди, жами **1 минг 370** та кўп қаватли уйларда қурилиш ишлари давом этмоқда.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 августдаги ПФ-151-сонли Фармони асосида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузурида Компетенцияни ривожлантириш институти ташкил этилди.
- 2023 йилда касбий фаолиятнинг устувор йўналишлари бўйича режалаштирилган **28** та касбий стандартлар тўлиқ ишлаб чиқилди. **19** таси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигида рўйхатдан ўтказилди. **9** та касбий стандартлар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш учун Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига киритилди.
- Соҳа экспертларининг малакаси оширилиб, **90** нафар эксперт сертификатланди.
- Бошқарув-сервис компаниялари ва уй-жой мулкдорлари ширкатларида ишлаётган сантехник, пайвандчи ва электромонтажчи каби **161** нафар мутахассиснинг малакаси оширилди.
- Иссиқлик таъминоти корхоналари томонидан **988** минг хонадонли **24** мингта кўп қаватли уй ва **2** мингта ижтимоий объектга **5,9** млн Гкал иссиқлик энергияси етказиб берилди.
- Ҳудудлардаги **3,8** мингта ижтимоий объектда локал иситиш тизими қўмир ёқилгисига ўтказилди.
- Инвестиция дастурлари доирасида **14** та иссиқлик таъминоти объекти бўйича **114,8** млрд сўм, Анджион, Чирчиқ, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида марказлашган иссиқлик таъминоти тизимини реконструкция қилиш лойиҳаси бўйича Жаҳон банкнинг **52,8** млн доллар маблағлари ўзлаштирилди.
- Куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш доирасида республикадаги **5,6** мингта кўп квартирали уй таъмирланди.
- Кўп квартирали уйларнинг туташ ҳудудларини ободонлаштириш мақсадида **226** та болалар майдончаси қурилиб, **155** таси таъмирланди, **138** та умумфойдаланишдаги ҳолатхона, **20** минг п/м узунликда ирригация тармоқлари қурилди. **2,2** мингта ташқи ёритиш мосламалари ўрнатилиб, **170** минг квадрат метр йўлаклар бетонланди. Кўп квартирали уйларнинг **275** та лифт ускунаси янгиланди.

2024 йилнинг 1 январидан бошлаб қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида қуйидаги ўзгаришлар бўлади:

- экспертиза органлари экспертлари, назорат ўлчови мутахассислари, кўп квартирали уйларни бошқариш органлари раҳбарлари, вилоят ва туман (шаҳар) архитекторлари малакасини ошириш ва сертификатлаш тизими жорий этилади;
- давлат назорати, буюртмачининг техник назорати, ишлаб чиқувчининг муаллифлик назорати ва пудратчининг ички назорати тадбирларини тегишли йўналишлар бўйича махсус билим ва сертификатга эга мутахассислар томонидан амалга ошириш амалиёти йўлга қўйилади;
- смётни олиб кетиш харажатлари аҳоли томонидан тўлаб бориладиган маиший чиқиндилар учун тарифлар таркибига киритилади;
- сейсмик фаол зоналарда жойлашган шаҳарларнинг бош режалари лойиҳаларини тегишли ҳудудларнинг сейсмик микроҳудудлаштириш хариталарига асосланган ҳолда ишлаб чиқиш амалиёти жорий қилинади;
- кўп квартирали уйлардаги қўчмас мулк билан боғлиқ битимлар нотариуслар томонидан мулкдорнинг мажбурий бадаллар ёки тўловлар бўйича қарздорлиги мавжуд эмаслиги текширилгандан кейин тасдиқланади;
- мажбурий бадалларнинг ёки тўловларнинг энг кам миқдори Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан белгиланади;
- агротехник ишлов беришдан ҳосил бўладиган (дарахт ва бута шох-шаббалари, барглари) ва кўп квартирали уйларга туташ ҳудудларни тозалашдан ҳосил бўлган чиқиндиларни маиший чиқиндиларни тўплаш пунктларида ёки чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш операторлари билан келишилган махсус жойларда йиғишга рухсат этилади;
- объектларда давлат назорати, буюртмачининг техник назорати, ишлаб чиқувчининг муаллифлик назорати ва пудратчининг ички назорати тадбирларини тегишли йўналишлар бўйича махсус билим ва сертификатга эга мутахассислар томонидан амалга ошириш амалиёти йўлга қўйилади;
- Рақамли технологиялар вазирлигининг алоқа соҳасидаги бинолар, иншоотлар ва бошқа объектлар қурилиши учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш функциялари хусусий секторга ўтказилади.

Инсонларга наф келтириш олий бахт!

Бунёдкорлик соҳасида энди ҳар қандай давлатдаги турдош корхоналардан қолишмайдиган шижоатли қурилиш корхоналари яқунланаётган йилда ҳам самарали меҳнати билан Янги йилни кутиб олиш арафасида. Уларнинг сазй-ҳаракати натижасида 2023 йилнинг ўзида вилоятдаги турар жойга муҳтож минглаб аҳоли ўз уйига эга бўлди. Гигант корхоналару, кичик ишлаб чиқариш тармоқларининг қуриб битказилгани эса қанчадан-қанча ёшлар ва ишсиз мақомини олганларнинг доимий бандлигини таъминлашга имкон берди.

Мухбиримиз Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи Зоҳиджон ЗОКИРОВ билан шу мавзулар юзасидан суҳбатлашди.

– Қурилиш ва бунёдкорлик соҳасини янада та-комиллаштириш юзасидан яқунланаётган йилда ҳам давлатимиз томонидан кўплаб қарор ва фар-монлар қабул қилинди. Бу эса, энг аввало, соҳада коррупциянинг олдини олиш ҳамда тикланаётган иншоотларнинг зилзилабардошлиғи ва сифати-ни яхшилашга имкон яратди. Айнан Қашқадарё вилоятида улар қандай натижа беришти?

– Халқимизга муносиб турмуш шароитини яра-тиш, биринчи навбатда турар жойга муҳтож аҳоли-ни уй-жой билан таъминлаш масаласи Давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида эътиборга олинган. Соҳа ривожига йўналтирилган ҳужжатларнинг қа-бул қилиниши эса қурилиш жараёни билан банд бўлган мутахассислар ҳамда тадбиркорларнинг билимини ошириш, қурилиш, лойиҳалаш ишлари-да тартиб ўрнатиш, назоратни қучайтиришга хиз-мат қилмоқда. Жумладан, соҳага рақамли техноло-гиялар татбиқ этилиб, шаҳарсозлик қоидаларига қатъий риоя қилинаётгани турли ноқонуний ҳолат-ларнинг олдини оляпти ва бу вилоятимизда ҳам ўз натижасини бермоқда. Масалан, 2023 йил вилоят

ҳудудлари кесимида 4 та шаҳарча ҳамда қишлоқ аҳоли пунктлари бош режаси ишлаб чиқилиши белгиланган бўлиб, “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДМ томонидан Қарши туманидаги Бешкент шаҳрининг бош режасига тузатиш киритиш, Шаҳрисабз ту-манидаги Чоршанбе шаҳарчасининг бош режаси ҳамда “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ томонидан Қарши туманидаги “Чарағил”, Китоб туманидаги “Алақулик”, МЙИларида аҳоли пунктларининг лойиҳалари ва уларга ёндош маҳаллаларнинг ри-вожланиш схемалари ишлаб чиқилди. Бу лойиҳа-ларнинг мукаммаллиги шундаки, улар аҳоли пункт-ларининг драйвер соҳаларидан келиб чиққан ҳолда, кейинги босқичда турар жойлар, маиший хизмат кўрсатиш тармоқларини жойлаштиришга ҳам хизмат қилади.

– Ҳар қандай янгилик дастлаб турли бахслар-га учраши мумкин. Демократизм, соҳага ягона маъмурий қурилиш регламентларининг татбиқ этилгани очкичлини таъминлашга қай даражада хизмат қияпти?



– Бу йўналиш бўйича қабул қилинган тегишли қарордан сўнг қурилишлар сифатини янада яхши-лашга қаратилган жуда кўплаб таклиф ва мулоҳа-залар билдирилмоқда. Масалан, давлат хизматла-ри маркази орқали шу кунгача 12 093 та мурожаат келиб тушиб, уларда бино ва иншоотларни ўзгар-тириш, қайта қуриш, реконструкция қилиш ёки ўз ҳудудда қўшимча иншоотларни қуришни лойиҳа-лаштиришга рухсатнома бериш бўйича фикрлар билдирилган. Маъмурий регламент юзасидан хиз-матлар сонига 4 797 тани ташкил этди ва уларнинг 2 936 тасига рухсат берилди, 1 796 таси рад этилди. Шунингдек, қурилиш-монтаж ишлари тугалланган объектдан фойдаланиш учун рухсатнома бериш бўйича кўрсатилган хизматлар 3 170 тани ташкил этиб, уларнинг 845 таси рад этилган.

– Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилма-ни ривожлантириш бўйича яқунланаётган йилда вилоятда қандай ютуқларга эришилди?

– 2023 йилда ижтимоий инфратузилмани ри-вожлантириш юзасидан инвестиция дастурига мувофиқ вилоят ҳудудларида 166 та объект, яъни, уларнинг 69 таси жорий йилда топширилди, 97 таси эса йилдан-йилга ўтувчи объектлардан ибор-рат эди. Ушбу қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун эса 1,1 трлн сўм маблағ ажра-тилиши белгиланганди. Айтиш керакики, бу бора-даги ташкилий ишлар очик ва ошкораликда олиб борилгани эътиборга молиқдир. Иншоотлар учун 991,9 млрд маблағ ажратилиб, қурилиш-таъмир-лаш ишларини бажариш жараёни доимий назо-ратга олинди ва пудратчиларга маблағлар ўз муд-датида тўлаб берилди. Натижада шу кунгача 111 та объект – 25 та умумтаълим мактаби, 25 та мактаб-гача таълим ташкилоти, 5 та соғлиқни сақлаш, 3 та ҳуқуқни муҳофаза қилиш объекти, 1 та маданият ва санъат, 1 та спорт, 10 та сел-тошқин, 16 та сув ин-шооти, 3 та халқаро ҳамда ички автомобиль йўлла-ри, 2 та ирригация ва 1 та мелиорация, 17 та махсус иқтисодий, кичик саноат зоналари, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари, яна 2 та бошқа объект фойдаланишга топширилди. Қолган объектларда ҳам қурилиш – таъмирлаш ишлари жадвал асосида олиб борилмоқда.

– Қашқадарё республикамиз иқтисодини му-стаҳкамлашга катта ҳисса қўшаётган вилоятлар-дан бири бўлсада, ислохотлар бошлангунга қадар деярли бирорта қишлоқ ёки маҳалла республика бюджетига, қолаверса, шу ҳудуддаги корхоналар



маблағидан манфаат ўрмаганди. Бугунги кунда ахвол қай даражада ўзгармоқда?

– Бу фикрни инкор қилиб бўлмайдми. Аммо из-ланса, имкон топиларкан. Ислохотлар ташаббуско-рининг ҳаракати билан кейинги йилларда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида вилоятдаги барча қишлоқ ҳамда маҳаллалар яна-да кўркам қиёфага кирмоқда. Президентимизнинг 2022 йил 25 октябрдаги ПҚ-408-сонли қарори ҳам мазкур ташаббуснинг мантиқий давомидир. Унга кўра, вилоят бўйича умумий қиймати 528,6 млрд сўмга тенг бўлган 772 та турли қўринишдаги объект-ларнинг манзилли рўйхати тузилиб, лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилди. Экспертизадан ўт-казилиб, бунёдкорлик ишларини амалга ошириш белгиланди. Бу борада йилдан-йилга ўтувчи объект-лардан ташқари режага киритилган ишлар нийоя-сига етказилиб, йилнинг сўнгги қўнларига Кўкдала, Шаҳрисабз, Чирокчи, Деҳқонobod, Ғузор ва бошқа туманларда 10 дан ортиқ мактаб, маҳалла маркази бинолари, спорт майдончалари, ички йўллар, ичим-лик ва оқова сув иншоотлари қуриб битказилди.

– Сўнгги йилларда аҳоли сонининг кескин ўсиб бораётгани уй-жойга бўлган талабнинг ҳам орти-шига олиб келимоқда. Бу масала вилоятда қандай ечим топляпти?

– Олти йил давомида қурувчиларимизнинг хиз-матлари туфайли минглаб кишилар замонавий уй-ларга эга бўлди. Йиллар давомида қийнаб келган муаммоси ечим топгани учун давлатимиздан мин-натдор бўлаётган халқимиз қувончи бунёдкорларга ҳам катта мадад бўляпти. Биргина 2023 йилда бозор муносабатларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини турар жой билан таъминлаш дасту-рига биноан ҳудудлар кесимида 5 673 хонадонли 166 та кўп квартирали уй-жойларни қуриб, фойда-ланишга топшириш режалаштирилган эди. Ҳозирга

қадар “Янги Ўзбекистон” массивларида 67 та 1 904 хонадонли кўп квартирали уйлардан 35 таси фой-даланишга топширилди. Қолган 20 таси режага мувофиқ Янги йил кўни ўз эгаларига топширилади. 12 таси эса йилдан-йилга ўтувчи объектлардир. Шу-нингдек, аҳолини турар жой билан таъминлашда ху-сусий секторлар ҳаракатини ҳам алоҳида эътироф этиш лозим. Уларнинг меҳнатлари ҳисобига шу йил-нинг ўзида 99 та 3 769 хонадонли уйларнинг бар-часи бугунги кунда қуриб битказилди ва эгаларига тантанали равишда топширилди.

– Бугунги кунда битта кўп қаватли уйни тиклаш учун катта маблағ сарфланишини ҳисобга олсак, уларни асраб-авайлаш масаласи қанчалик дол-зарбалигини ҳис қилимиз. Вилоятда бу борада қан-дай ишлар амалга оширилмоқда?

– Янги кад ростлаган уйлар ҳисобига ҳозирда ви-лоятимиз туман ва шаҳарларида жами 2 249 та кўп қа-ватли уй мавжуд бўлиб, уларда 160,8 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Мустақилликкача қурилган уйлар таъмирталаб бўлгани учун қисқа даврда уш-бу фозиз талаб даражасига келтирилди ва ана шу уйларда яшовчи аҳолига етарли шароитлар яратиб берилди. Иситиш ва иссиқ сув тизими марказлашган 204 та кўп қаватли уйнинг эскирган қозонхоналари янгисига алмаштирилди, икки қаватли уйлар эса ло-каллаштирилди. Бу масалада бошқарма таркибида алоҳида ишчи гуруҳи фаолият кўрсатмоқда. Улар янги ташкил қилинган БСҚР билан ҳамкорликда ҳар бир уйнинг сақланиш даражасини аниқлаб, ту-затиш ва таъмирлаш бўйича аҳолига кўрсатилаёт-ган хизматлар, йўл қўйилган камчиликлар юзасидан тахлиллар ўтказишмоқда. Ҳар ўн кунда ушбу тахлил натижаларининг ҳисоботи қўрилиб, тегишли чора қўлланилаётгани уйлар сифати бардавомлигини таъминлашга имкон яратмоқда.

– Янги йил эшик қоқмоқда. Табиатнинг ҳар қандай инжиқликларига қарамасдан турли иншо-отларни қуриб, халқимиз талаби ва туртимизинг янада гуллаб-яшнашига беминнат ҳисса қўшаёт-ган заҳматкаш қурувчиларга билдирадиган тилак-ларингиз ҳам бўлса керак.

– Қурувчилик шарафли касб. Уларнинг меҳнати-ни уйлар калитини қўлга киритиб, тўйлар қилаётган, бунёд этилган янги корхоналарда ишлаб, рўзгор тебратаятган, ҳар томонлама жиҳозланган шифо-хоналарда даволаниб, дардига шифо топаётган, фар-зандларини замон талабларига мос равишда бунёд этилган мактаб ва мактабгача таълим масканларига олиб бораётган кишиларнинг юз-кўзларидаги қу-вонч ифодаламақда. Зеро, инсонларга наф келти-риш олий бахт! Қолаверса, бу мамнулик биз, соҳа вакилларига руҳий мадад бериб, янги лойиҳаларни амалга ошириш сари чораяпти. Келгуси йилда ҳам қурувчилар зиммасида катта масъулият турибди, уларни соҳага йўналтирилган қонуний доирасида ҳаётга тўлақонли татбиқ этишда барча бунёдкор-ларга куч-қувват, сихат-саломатлик тилайман.

– Мазмунли суҳбат учун ташаккур!

“QISHLOQQURILISHLOYIHA” МЧЖ

жамоаси

Азиз ватандошлар ва
соҳамиз ходимлари!

Янги — 2024 йилда

барчангизга улкан муваффақиятлар,
оилавий хотиржамлик, бахт ва омад ҳамроҳ бўлсин!

Халқимизнинг фаровон ҳаётига
ҳисса қўшишдан чарчаманг!



"O'ZSHAHARSOZLIK LITI"

ЖАМОАСИ

юртимизнинг
барча меъмор ва
бунёдкорларини
яқинлашиб келаётган

ЯНГИ ЙИЛ

байрами билан
самимий қутлайди!

Янги йилда
янги муваффақиятлар,
сиҳат-саломатлик, бахт
ва омад асло
тарк этмасин.

Юртимиз чиройига
ҳисса қўшадиган
гўзал лойиҳалар
яратишингизда сўнмас
гайрат ва куч-қувват
тилаймиз!

**ЯНГИ ЙИЛ БИЛАН ТАБРИКЛАЙМИЗ!**


ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ
ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ХУДУДИЙ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ
ЖАМОАСИ

халқимизнинг ҳаёти
фаровонлиги йўлида
хизмат қилаётган барча
бунёдкорларни
кириб келаётган

Янги йил

билан самимий қутлайди.

Юртимиз кўркига кўрк
қўшадиган бинолар қуриб,
халқимиз қувончига сабаб



Азиз юрдошлар,
тиниб-тинчимас бунёдкор
қурувчилар!
"ТАШГИПРОГОР" АЖ
барчангизни кириб
келаётган

Янги — 2024 йил

билан чин юракдан
муборакбод этади!

Меҳнатларингиз самарасини кўриб,
халқ дуосини олиб юриш
насиб қилсин!

Соғлиқ-саломатлик, оилавий
хотиржамлик тилаймиз.



**Янги йил байрами
билан табриклаймиз!**

2024

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ
ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ХУДУДИЙ НАЗОРАТ
ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ



2024

Барча юрtdошларимизни
ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ
билан чин юракдан қутлаймиз.

Янги йилда янги омадлар, касбий муваффақиятлар,
сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ҳамроҳ бўлсин.
Қалбингиздан шодлик, хонадонингиздан
файзу барака аримасин!

**"SHAHARSOZLIK HUJJATLARINI
EKSPERTIZA QILISH
RESPUBLIKA MARKAZI" ДМ**
ва унинг ҳудудий филиаллари жамоалари



НАМАНГАН ВИЛОЯТИ
ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ
ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ХУДУДИЙ НАЗОРАТ
ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ

мамлакатимиз аҳлини кириб келаётган

Янги йил байрами

билан самимий қутлайди!

Янги йил юртимиз учун ижобий
ўзгаришлар ва янги ютуқларга
бой бўлсин!



БАРЧА КАСБДОШЛАРНИ
КИРИБ КЕЛАЁТГАН

ЯНГИ ЙИЛ
БИЛАН ҚУТЛАЙМИЗ.

Келгуси йилда ҳам юрт ободлиги йўлида
меҳнат қилишдан асло чарчаманг.
Оилавий хотиржамлик ҳамроҳ бўлсин!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ
ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ
КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ
СОҲАСИДА ХУДУДИЙ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ
ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ



“Олийгоҳлар ҳар жиҳатдан мустақил бўлиши керак!” – дейди ТАҚУ ректори Эржан КАҲЯ

Хабарингиз бор, 2021 йилнинг август ойда профессор Эржан Каҳя Тошкент архитектура-қурилиш университети ректори этиб тайинланган эди. Ўтган икки йил мобайнида амалга оширилган ишлар, келгусидаги режалар, олий таълим тизимини ислоҳ қилиш каби масалалар ҳақида фикрларини билиш мақсадида мухбиримиз Муродбек ҲАЙДАРОВ у киши билан суҳбатлашди.

– ТАҚУ ректори этиб тайинлангунча бўлган фаолиятингиз ҳақида гапирсангиз.

– 2002 йиллардан Истанбул Техника университетининг Олий илм-фан мактаби деканатида декан ёрдамчиси сифатида фаолият юритганман. Ундан кейин, Дубайдаги Шаржа Америка университетиди БАА алоқалар координатори сифатида ҳам фаолият олиб бордим. Сўнгра 8 йил давомида Кипрдаги Истанбул Техника университети ректори бўлиб ишладим.

– Ушбу университет ректори сифатида иш бошлаганингизда келгусида амалга ошириш учун бир қанча режаларингиз бўлган, албатта. Ўтган икки йил давомида уларнинг қанчасини амалга ошира олддингиз?

– Мен ўз олдимга университетни ривожлантириш учун яхши мақсад-режалар қўйганман. Аммо ўзингизга ҳам маълум бўлганидек, бу ердаги таълим жараёни ва хориждан малакали кадрлар олиб келиш бизга бир қанча қийинчиликлар туғдирди. Шу сабабдан, мен режаларимнинг кўп қисмини бажара олдим, деб айтолмайман. Лекин ҳозирги пайтда хориждан бир неча тажрибали ўқитувчиларни тақлиф қилганмиз. Уларнинг малака ва билимлари ёрдамида нафақат талабаларнинг билим даражасини, балки университетимиз макomini ҳам юксалтиришни ният қилганмиз.

– Олий таълим тизими ривож топган Америка университетларида тахсил олгансиз ва кўп йиллардан буён шу соҳада фаолият юритиб келмоқдасиз. Эндикликда Ўзбекистон олий таълим тизимида ишляпсиз. Ўзбекистон олий таълимнинг ривожланишига тўсиқ бўлаётган қайси муаммоларни санаб ўтolasиз?

– Аввало, шуни айтиш кераки, Ўзбекистон олий таълимида қабул қилинган янги ислохотлар натижа-сида эски таълим тизимидан аста-секин ривожланиш даврига ўтмоқда. Ривожланиш учун нафақат

Тошкент архитектура-қурилиш университетини, балки барча давлат олийгоҳларини янги, замонавий таълим стандартларига мослашимиз керак. Биламизки, Америка таълим тизими дунё миқёсида энг юқори ўринларда туради. Нега? Улар бошқалардан ақллироқ бўлгани учун эмас, бунинг сабаби уларнинг тўғри методикани танлаб, прагматик ва рационал ишлашдир. Ҳозирги кунда ғарб олийгоҳлари ҳам шу йўсинда фаолият олиб бормоқда ва улар ҳам юқори натижаларга эришяпти. Аммо айта оламизки, ТАҚУнинг дунёда иккита рақобатдоши бор, булар – Стенфорд университети ва Массачусетс технология институтини (MIT). Келажақда ТАҚУ ҳам улар билан тенглаша олади. Биз университет жамоаси билан буни урдалашимизга ишонамиз.

Бу мақсадга эришиш йўли эса инсон, имкон ва тизим, шу учта сўзда мужассам. Қай мамлакатда бўлишимиздан қатъи назар биз юқоридаги тизимга мувофиқ иш олиб борсак, нафақат Топ-100 талик рейтингга, балки Топ-50 таликка ҳам киришимиз мумкин. Имкон – бу давлат. Давлатга раҳмат айтаимиз, етарлича маблағ ажратяпти. Бироқ инсон, яъни жаҳон стандартларига мос кадрлар етишмаяпти. Шунингдек, таълим тизимидаги янги ислохотлар аста-секин ривожланаётгани сабаб тизим самарадорлиги ҳозирча юқори эмас. Айни пайтда бизга талабаларга мос тизим ва унда фаолият юритувчи тажрибали кадрлар зарур. Америка ва Япониядаги тизим бизда ҳам қўлланилса, тез фурсатда юқори кўрсаткичларга эга бўламиз. Бундан ташқари, жуда кўп қарорлар қабул қилинади ва айрим ҳолларда уларнинг ижроси жуда тез фурсатда таъминланиши талаб қилинади. Бу эса қарорлар ҳам етарлича маълумот тўпланмасдан шотилинч тарзда қабул қилинишига сабаб бўлмоқда. Оқибатда католиклар юзга келади.

– Айни пайтда университет ўқитувчилари ва талабаларида қандай жиҳатлар бўлишини хоҳлардингиз?

– Талабаларга келадиган бўлсак, дарс машгулотларига жиддий ёндашмасликлари яхши ҳолат эмас. Ўқитувчиларга келадиган бўлсак, улар ҳам хорижий тажрибаларни ўзлаштириш натижасида ўз устида ишлаб боришмоқда. Яна бир қатор тузатиш мумкин бўлган муаммолар мавжуд. Мазкур муаммоларни бартараф этиш учун бизга вақт керак. Уларни қисқа фурсатда ҳал этиб бўлмайди. Нафақат мен, бошқа ректор тайинланса ҳам, кузатувлар, назорат қилиш ва бошқа чора-тадбирлар орқали 5 йил мобайнида ўқитувчи ва талабаларнинг сифат кўрсаткичини яхшилаш мумкин. Лекин табиийки, ўзбек талабалари орасида жуда ақлли, мотивацияси кучлилари ҳам кўп. Кузатишларим асосида айтишим мумкинки, талабаларда ташаббускорлик, ишбилармонлик руҳи бор. Аммо натижага эришиш учун уларда бироқ тажриба кам, деб ўйлайман. Шуни ҳам таъкидлаш кераки, тегишли вазирлик ва ташкилотлар бизнинг фикрларимизни сўраб, биз билан маслаҳатлашишини хоҳлар эдик. Мамлакат Бош вазирини учрашган чоғимда менинг барча фикрларимни тинглади. Бундан миннатдорман.

– “Талабага қўйилган баҳо аслида устозга берилган баҳодир”, деган эди бир ўқитувчим. Ўйлаб қарасак, дунёнинг энг зўр университетида тахсил олаётган талаба ҳам, қўйи рейтингли олийгоҳ талабаси ҳам бир хил инсон. Шундай экан, талабани айблаш ҳар доим ҳам тўғримикин?

– Мен Ўзбекистонга келиб қўдимки, бу ерда бакалаврият талабаларининг 80 фоизи ишлайди. Ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 5 ёки 10 фоизга тўғри келиши мумкин. Айтайлик, талаба ишдан сўнг ўқишга чарчаб келади. Қўшимча дарсларга қатнаша олмайди ёки дарсдан кейин ишга бориши керак бўлади. Шу сабаб уйга вазифаларини бажаришга ҳам вақт тополмайди. Бу эса талабанинг дарсларни ўзлаштириш лаёқатини пасайтиради. Талабалар ҳаётининг 80 фоизи университетда ўтиши-



ни хоҳлардим. Чунки бу уларга жуда катта тажриба беради. Агар сифатли таълим тизимини йўлга қўй-сак, талабалар кўпроқ вақтини университетда ўтказ-зади. Масалан, биз талабалар ҳаётига боғлиқ янги деканат ташкил этияпмиз. У ерда талабалар вақти-ни самарали ўтказиши учун барча шароит бўлади. Шунингдек, агар қулай таълим кредитлари бўл-ганида бу муаммолар юзга келмасди. Талаба кредит ва университет томонидан стипендия олса, унинг ишлашга эҳтиёжи қолмайди. Фақат бунинг учун та-лим кредити яхши йўлга қўйилган бўлиши керак. Шундан улар 4 йил давомида ҳақиқий талабалик ҳис-си билан ўқишади. Инсон ҳаётидаги 18-22 ёш – энг муҳим, самарадор вақт бўлади. Инсон ўша вақтини таълим муассасасида академик жараён билан ўт-казса, бу унинг келажаги учун жуда фойдалидир.

– Халқаро рейтингларда энг юқори ўринларни эгаллаган университетлар битирувчиларининг қанча қисми иш билан таъминланганлиги ҳақида очик маълумотлар тақдим этади. ТАҚУда бу бора-да қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– Университет трансформация қилинганидан кейин ўқишни тамомлаган талабаларнинг иш би-лан таъминланганлик даражасини ўрғанувчи янги бўлим ташкил этилади. Агар бизнинг битирувчилар-имиз орасида бирон бир компания раҳбари ёки иш каби бошқарув лавозимларида ишлайдиганлари бўлса, уларни университетга тақлиф этиб, талаба-лар билан учрашувлар ўтказамиз. Яъни, талабалар уларни қўриб, ўқиш учун янада кўпроқ мотивация олишади. Иш билан таъминланганлик даражаси ўрганилаётганда, албатта, битирувчиларнинг ўз му-тахассислиги бўйича ва қандай лавозимда фаолият

юритаётганига ҳам эътибор қаратилади. Тўпланган маълумотлар университетнинг веб-сайтига ҳам шаффоф тарзда жойланади. Бизнинг мақсадимиз – битирувчиларимизни 100 фоиз иш билан таъмин-лаш.

– Келгуси йилда қандай режаларни амалга оширишни мақсад қилаясиз?

– 2024 йилда биз нима учун бу ердалигимизни ва қандай фаолият олиб бораётганимизни бутун Ўзбе-кистон кўради. Талабаларга сифатли таълим бериб, уларни ўз соҳасининг мутахассиси қилиб етишти-риш учун ҳаракат бошлаганмиз. Олий таълим му-ассасаларининг ўқув дастурларини тасдиқлаб бе-радиган халқаро АБЕТ ташкилоти бор. Аммо у ҳар қандай олийгоҳнинг ҳам ўқув дастурларини қўриб чиқавермайди. Келгуси йилда янги ўқув дастури-мизни мазкур ташкилотга тасдиқлаиб, ўқитиш жараёнини шу дастур бўйича олиб бормоқчимиз. Бу дастур бўйича ўқиб битирган талабалар сифат-ли кадр бўлиб етишади. Шунингдек, университе-тимизда инглиз тилида дарс ўтиладиган гуруҳлар ҳам ташкил этилади. Битирувчиларимизнинг бар-часи, албатта, инглиз тилини билиши керак. Бун-дан ташқари, келгуси йилдан ўқитувчиларимизни хорижий мамлакатларга малака ошириш учун бир ой муддатга юборамиз. Хориждан яна бир қанча тажрибали ўқитувчиларни тақлиф қиламиз.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда ягона бўлган ил-мий-тадқиқот марказлари ҳам ташкил этилмоқда. Улар янги йилдан фаолият юритишни бошлади. Ўқитувчилар хорижий тилларни ўрганиши учун 3 ойлик ва 6 ойлик курслар ҳам ташкил этилади.

– Мазмуни суҳбатингиз учун раҳмат!

Биолар зилзилабардошлиги бўйича анжуман ўтказилди

Бугунги кунда Ўзбекистонда зилзилабардош бино ва иншоотларни лойиҳалаш ҳамда қуриш долзарб муаммолардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 2 майдаги 118-сонли буйруғи билан “2023 йилга мўлжалланган халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник тадбирлар рўйхати” тасдиқланган.



Мазкур буйруқнинг ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент архитектура-қурилиш университетида “Био ва иншоотлар зилзилабардошлиги соҳаси-да кадрлар тайёрлашнинг устқўболлари” мавзусида Республика илмий-амалий ан-жумани ўтказилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республика-си Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, ЎЗР ФА М. Т. Ўрозбоев номи-даги Механика ва иншоотлар сейсмик му-стаҳкамлиги институти ва Ф. О. Мавло-

нов номидаги Сейсмология институти, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети, республикада мавжуд йирик лойиҳалаш ташкилотлари, ил-мий-тадқиқот институтилари, қурилиш корхоналари, трестлар, корпорациялар ва қатор фирмалар вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққан универси-тет ректори Эржан Каҳя мазкур анжу-маннинг аҳамияти, мамлакатда био ва иншоотларнинг зилзилабардошлиги

бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини қуйидагича баён қилди:

– Кўп йиллар олдин Ўзбекистон бў-йича сейсмик харита ишлаб чиқилган. Ҳозирда бу харитани янгилаш зарур, чун-ки сейсмик зоналарда ўзгариш бўлиши табиий ҳол. Бу хариталар қурилиш соҳа-си учун жуда ҳам муҳим. Уларнинг аниқ ишлаб чиқилмаслиги келгусида кўплаб муаммолар туғдириши ва катта сарф-ха-ражатларни кўпайтириши мумкин. Шу-нингдек, сейсмик хариталар янгилан-гандан кейин фойдаланилаётган мавжуд биоларнинг ҳам зилзилабардошлиги ҳам ўрганилиб, бу бўйича чоралар қўри-лиши лозим. Яъни, уларни бузмасдан зилзилабардошлигини ошириш мумкин-ми ёки йўқми? Шу қаторда, янги барпо қилинаётган биолар стандартларга мос равишда қурилаётганини ҳам назорат қилиш шарт. Бу ишларнинг ҳаммасини тизимлашган тарзда амалга ошириш мақ-садга мувофиқ.

Шунингдек, анжуманда “Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини ме-ханизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети, Ме-ханика ва компьютерли моделлаштириш кафедраси мудирини, академик Мирзиёб Мирсаидов, ЎЗР ФА М. Т. Ўрозбоев но-мидаги Механика ва иншоотлар сейсмик му-стаҳкамлиги институти директори, техника фанлари доктори Карим Сул-танов, Самарқанд давлат университети ўқитувчиси, техника фанлари доктори Аскар Ҳасанов ва бошқалар ўз маъруза-лари билан иштирок этишди.

Ўз мухбиримиз.

Тадбиркор тўйхона қурди

Болтабой МАТҚУРБОНОВ, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Хоразм вилояти Қўшқўпир туманидаги Полвон маҳалласида замонавий, барча шароитларга эга “Муҳташам” тўйхона ва ресторани фаолият бошлади. Ушбу масканнинг очилиш маросимида туман ҳокими Шухрат Аҳмедов, сектор раҳбарлари, нуронийлар, маҳалла фаоллари иштирок этишди.

– Бу ерда мижозлар учун барча шароит яратилган, хизмат кўрсатиш сифатли ва кафолатли тарзда олиб борилади, – деди тадбиркор Матёқуб Абдушарипов. – Энг муҳими, 350 ўринга мўлжалланган ресторан фаолияти туфайли 25 та иш ўрни яра-

тилди ва 25 нафар ишсиз фуқарони иш билан таъминлашга эришдик. Ўз маблагини, қолаверса, 1 млрд сўнга яқин кредит эва-зига тўйхона ва ресторан шароитларини ахшिलाдик. Ушбу тўйхона маҳалла аҳлига янги йил совғаси бўлди.



ЯНГИ РЕЖАЛАР САРИ ДАДИЛ ОДИМЛАШДА ДАВОМ ЭТАМИЗ!

Абдираим МАМАДАМИНОВ, Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи.

Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан яқунланаётган 2023 йил давомида жами 1 135 та объект рўйхатдан ўтказилган бўлиб, шундан жорий йилда 354 та объектда қурилиш-монтаж ишлари яқунланиб фойдаланишга топширилган. Ўтган давр мобайнида инспекция томонидан объектларда 2 725 маротаба мониторинг олиб борилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича 2 858 та кўрсатма берилган. Шундан 2 450 та кўрсатмада қайд этилган камчиликларнинг бартараф этилиши таъминланди ва 408 та кўрсатманинг бажарилиши назоратга олинди.

Берилган кўрсатмаларни ўз вақтида бажармаслик ёки бажаришдан бўйин товлаганликнинг 145 та ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 99-моддасига асосан маъмурий ҳужжатлар расмийлаштирилиб, жаримага тортилган. 145 та ҳолатнинг 22 тасида, пудратчи ташкилотларнинг, 104 тасида буюртмачи ташкилотларнинг 19 тасида лойиҳа ташкилотларнинг мансабдор ва масъул шахсларига нисбатан маъмурий ҳужжатлар расмийлаштирилиб, жарималар белгиланди. Қурилиш-монтаж ишлари олиб бориш жараёнида лойиҳа, қурилиш норма ва қоида талабларини қўпол тарзда бузиш ҳолатлари аниқланган объектларда қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиш бўйича 12 та кўрсатма ҳамда лицензиялар ва рухсат берувчи ҳужжатлар-

ни тўхтатиб туриш, тугатиш, бекор қилиш бўйича жами 22 та тақдимнома берилган. Бундан ташқари, қурилиш объектларида бино-иншоотларнинг зилзилабардошлигига таъсир қилувчи сифатсиз қурилиш материаллари ва буюмлар ишлаб чиқариш, сотиш ҳамда қўллашни тўхтатиб туриш юзасидан 85 маротаба ишлаб чиқарувчи заводларга, ташкилотларга тақдимномалар юборилган. Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциясининг Архитектура, лойиҳалаш ва бош режаларга риоя қилиш устидан назорат бўлими томонидан 2023 йилда 634 та мониторинг ўтказилиб, рўйхатдан ўтмаган ҳолда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётган 99 та объект аниқланди. Шундан 50 та объект инспекция рўйхатидан ўтказилган. 79 та объект

буюртмачилари МЖТКнинг 99-моддаси 7-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилган. 49 та объектда айни пайтда ҳудудий инспекция рўйхатидан ўтказиш чоралари қўрилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 февралдаги ПҚ-4586-сонли қарорининг 2-банди (қонун ҳужжатларида назарда тутилган қурилиш соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллариغا риоя қилинмаган қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиб қўйиш ва демонтаж ишларини амалга ошириш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиш) бажарилиши бўйича жами 21 та даво аризаси киритилган. 2024 йилда ҳам вилоятимиз ҳудудида барпо этилаётган барча объектларнинг сифати ва мустаҳкамлиги учун назорат ишларини ўз вақтида олиб боришни ният



қилганмиз. Келгуси йилда рўйхатдан ўтмаган ноқонуний қурилиш ишларини рўйхатдан ўтказиш, рўйхатдан ўтган объектларда эса "Қурилишда давлат назора-

ти" МАТ орқали назорат ишларини олиб боришни режалаштиряпмиз. Бир сўз билан айтганда, янги режалар сари дадил одимлашда давом этамиз!

IJTIMOIIY-IQTISODIY GAZETA

O'ZBEKISTON BUNYODKORI

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

Янги — 2024 йил

муборак бўлсин!

“Ko‘chmas mulk xizmatlarini ko‘rsatish jamiyati” МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очик электрон онлайн аукцион савдога таклиф этади!

Очик электрон онлайн аукцион савдога “Навоий Дори-дармон” АЖнинг 2023 йил 26 декабрдаги 01-345-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:
Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 65-уй манзилида жойлашган умумий ер майдони – 2244,6 квадрат метр, қурилиш майдони – 786,25 квадрат метр бўлган, маъмурий бино ва омборхоналар “К” литерли омборхона биноси. Бошланғич баҳоси – 2 808 537 000 (икки миллиард саккиз юз саккиз миллион беш юз ўттиз етти минг) сўм.
Савдо 2024 йил 30 январь куни соат 9.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.
Аризалар расмий иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охириг мuddати: 2024 йил 29 январь соат 18.00 гача.
Юқоридаги кўчмас мулк 2024 йил 30 январь куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2024 йилнинг 31 декабрь кунигача ҳар 15 кун оралигида сотилгунга қадар бўлиб ўтади.
Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан 1 иш кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади.
Кўчмас мулк билан “Навоий Дори-дармон” АЖнинг тегишли вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Тел.: 98-571-00-50.
Савдо ғолиби аукцион ўтказилган кундан бошлаб 20 иш куни ичида олди-сотди шартномасини тузиш ва сотувчи томонидан белгиланган шартлар асосида тўловни амалга ошириши лозим.
Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатлат пулини “Ko‘chmas mulk xizmatlarini ko‘rsatish jamiyati” МЧЖ Навоий вилоят филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказиши лозим: 2020 8000 5053 3172 3022 АТБ “Давр-банк” Олмасор филиали МФО 01121 СТИР 308 112 732.
Манзил: Навоий вилояти, Навоий шаҳри, И. Каримов شوҳқўчаси, 98-уй ёнида. Тел.: 99-360-11-00.
Электрон платформа: <https://online-mulk.uz>

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ

МУБОРАК БЎЛСИН!

2023 йилнинг сўнги ва 2024 йилнинг илк кунларида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг Кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси Анвар Ёркулов, Матбуот котиби – вазирнинг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси Саидносир Усманов, Мақсадли дастурлар ижросини мониторинг қилиш ва буюртмачи хизматлари билан ишлаш бўлими бош мутахассиси Гулчехра Аблакимова, Мурожаатлар билан ишлаш ва диспетчерликхизмати бўлими бош мутахассиси Дилфуза Джалилова, Бош режаларга риоя этилиши устидан давлат архитектура назорати бўлими бош мутахассиси Диёра Абдуллаева, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Ичимлик сувини ишлаб чиқариш ва ташишга қўйиладиган технологик талабларга риоя этилишини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси Адилбек Джуманиязов, “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” DM юрисконсулти Зайниддин Назаров,

“Қурилиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” Ахборот-коммуникация технологияларини мониторинг қилиш бўлими бош мутахассиси Юсуф Худайбердиев,

Қурилишда техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти консултанти Баҳодир Ходжаев,

“Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ Архитектура ва қурилиш экспериментал лойиҳалаш бўлими бошлиғи Акрам Мирхаликов, Мухандислик коммуникациялар бўлими бошлиғи Алла Уразаева,

“Ташгипрогор” АЖ 1-сонли архитектура-қурилиш сектори архитектура бўйича техник Тоҳиржон Тўлқинов, гуруҳ раҳбари Николай Килячков, муҳандис Тимур Ибраилов,

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” Давлат муассасаси бўлим бошлиғи Игорь Нестеров, техник Сардор Обиджонов, бош мутахассислар Асрор Юнусов, Насиба Улуғова, етакчи мутахассис Дильшад Аҳмедов, муҳандис Николай Ким,

“O‘zog‘irsanoatloyiha” АЖ гуруҳ раҳбари Альбина Асфандиярова, муҳандис Фарида Низамутдинова, етакчи мутахассислар Бобур Карбаев, Шомурод Ядгаров, сектор бошлиғи Бахтиёр Саидов, техник Туляган Тишабаев, қорувул Бақитжон Бейсабаев, ҳайдовчи Улуғбек Орипожаев,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бўлим бошлиғи Алишер Калменов,

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси хўжалик ишлари мудири Шавкат Холлиев, бош бошқарманинг хўжалик ҳисобида фаолият юритувчи бўлим бош мутахассиси Валентина Лисенова, етакчи мутахассис Саидулло Олимов, Ромитан тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси Бахтиёр Тоғаев,

Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича бош мутахассиси Улуғбек Зиёев,

Навоий вилояти, Навоий шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими мутахассиси-архитектор Озоджон Шукуров, Қармана тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими мутахассис-архитектори Анвар Ташназаров,

Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси Отабек Гирназаров, “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” DM Самарқанд вилояти филиали етакчи мутахассиси Маъмур Шамсиев,

Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси Комплекенс назорати мутахассиси Ойбек Манатов,

Тошкент вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Лойиҳа ва пудрат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Баҳодир Сарбоев, Ишлаб чиқариш бўйича бошлиқ ўринбосари Баҳром Мавлянов,

Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи Азамат Эламонов, бош бухгалтер Шавкат Сиддиқов, Қўшқўйр тумани Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси Элёр Эшметов, Хонқа тумани Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи Русланбек Умиров,

Андижон вилояти, Андижон шаҳридаги “Шинам маҳалла” МЧЖ бош директори Азизбек Абдусатторов, Избоскан туманидаги “Пойтуғ обод уйлар” МЧЖ бош директори Мўминкул Кенжабоев,

Бухоро вилояти, Когон шаҳридаги “Quruvchi Sher-muhammadali” МЧЖ бош директори Гулноз Асадова,

Жиззах вилояти, Мирзачўл туманидаги “Мирзачўл Имрон таъмирлаш сервис” МЧЖ бош директори Суяно Тоғаев,

Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳридаги “Комфорт Глобал Қурилиш” МЧЖ бош директори Ғолиб Хўжаев, Қарши шаҳридаги “Тўлқин Мавжуда” МЧЖ бош директори Эркин Тошов, Косон туманидаги “Бунёдкор Улкан Бошқарув Сервис” МЧЖ бош директори Шавкат Ҳазратов,

Навоий вилояти, Навоий шаҳридаги “Gulobod city 2020 professional boshqaruv kompaniya” МЧЖ бош директори Шерзод Эшбуриев,

Наманган вилояти, Давлатобод туманидаги “Mir Dom Lyuks Boshqaruv Servis Kompaniyasi” МЧЖ бош директори Шухрат Раҳимов,

Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳридаги “Янги ҳаёт орзуси” МЧЖ бош директори Раузе Жаппасова, “Янгиер коммунал таъмирлаш сервис” МЧЖ бош директори Санобар Атабоева,

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳридаги “Angren Boshqaruv Servis Kompanya 24-7” МЧЖ бош директори Анжад Холтўраев, Бекобод шаҳридаги “Bekobod dom servisi” МЧЖ бош директори Униджон Қурбанов, Янгийўл шаҳридаги “Строй Эверест Мастер” МЧЖ бош директори Шокир Бошқобилов, “Моҳир коммуналчи РР” МЧЖ бош директори Рашид Раҳманов,

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги “Proservicecorp” МЧЖ бош директори Камолитдин Минаров, “Sifatli Tezkor Lider” МЧЖ бош директори Дилфуза Вафина, Учтепа туманидаги “Lider Group 15” МЧЖ бош директори Дияна Тарановаларни таваллуд кунини билан чин дилдан муборакбод этамиз.

УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!

IJTIMOIIY-IQTISODIY GAZETA

O'ZBEKISTON BUNYODKORI

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров (Тахрир ҳайъати раиси), Шерзод Ҳидоятлов, Давронжон Адиллов, Озода Жўраева, Козим Туляганов, Юлдаш Мағрупов, Жамшид Исмаилов, Бобир Элмуродов, Кудратбек Хошимбеков.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир Дилшод Жалолов

Бош муҳаррир ўринбосари Райҳона Хўжаева

Саҳифаловчи Акмал Маккамов

Мусахҳиҳ Марҳамат Мусулмонкулова

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвести» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар: 71-241-01-29 (қабулхона), 71-241-01-43 (таҳририят), 71-241-01-29 (бухгалтерия), 71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 91-479-55-11.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 99-831-11-15.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-1237.
1611 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайдди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – Р. Хўжаева.

Навбатчи – А. Ҳақбердиев.

Ўза якуни – 21.20.
Топширилди – 23.20.

1 2 3 4 5 6